

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАТМУРАТОВА РИТА ЗАХИДОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДРАМАТУРГИЯСИДА КОМЕДИЯНИНГ
ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Матмуратова Рита Захидовна

Қорақалпоқ драматургиясида комедиянинг эволюцияси ва жанр
хусусиятлари..... 3

Матмуратова Рита Захидовна

Жанровые особенности и эволюция комедии в Каракалпакской
драматургии..... 23

Matmuratova Rita Zakhidovna

Genre features and evolution of comedy in Karakalpak drama..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАТМУРАТОВА РИТА ЗАХИДОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДРАМАТУРГИЯСИДА КОМЕДИЯНИНГ
ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil928рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Оразымбетов Қуёнишбай Келимбетович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович
филология фанлари доктори, профессор

Глеуниязова Гулмира Байниязовна
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

К.Алламбергенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
в.в.б., филол.ф.д., профессор

Д.Б.Сейткасымов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д. (PhD), доцент

Қ.Қ. Жаримбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида комедиянинг эволюцияси, генезиси, типологияси, поэтикаси ва ўзига хос ривожланиш хусусиятлари, бадиий-эстетик тамойиллари устуворлик қилмоқда. Зеро, башариятнинг онгу тафаккури, руҳиятидаги янгиланишлар, асосан, кекса жанрда ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан адабиётнинг барча тур ва жанрлари сингари комедиянинг ҳам эволюцияси ва поэтик ривожланиш хусусиятлари бўйича амалий хулосалар чиқариш ўзига хос аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида ҳар бир халқ адабиётини янги назарий методлар тизимида тадқиқ этишга ҳамда такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу ўз навбатида комедия жанрининг ривожланиш жараёни, жанр табиатидаги даврнинг тарихий ва ижтимоий манзарасининг ифодаланиши, поэтик тасаввур ва бадиий-эстетик хусусиятларини янгиланган адабий тамойиллар асосида ўрганиш заруратини келтириб чиқармоқда. Хорижий олимларнинг комедиянинг эволюцияси ва жанрий хусусиятлари юзасидан назарий хулосаларига биноан миллий адабиётлардаги комедиянинг тараққиёти ҳамда назарий поэтикасини тадқиқ қилиш долзарблик касб этади.

Юртимизда ҳозирги маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни қорақалпоқ комедия назарияси олдига ҳам қатор янги вазифалар кўймоқда. Мазкур вазифалар комедиянинг моҳиятига янада чуқур кириб бориш, кейинги давр адабиётига кучли таъсир ўтказган драматурглар меъросини ўрганиш, муайян халқ адабий тафаккури маҳсулининг башарият маънавий дунёсини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш имконини беради. Зеро, «дунё тезлик билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг ривожланишига зиён етказадиган турли янги хавотир ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, одоб-икромлилик, тарбия, ёшларнинг билим олишга, камолга етишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли»¹. Чунки, комедик асарлардаги бой маданий-маърифий ғоялар ёшларни миллий қадриятларни англашига ёрдам бериши муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистон янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 523.

соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон «Ўзбекистон Республикаси халқига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертацион иш республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида комедиянинг жанр хусусиятлари В.Белинский, Л.Тимофеев, Г.Н.Поспелов, Ф.Фролов, Н.А.Гуляев, И.Ф.Смольников, А.А.Аникст, В.Э.Хализов, Б.М.Томашевский, В.Б.Катаев, И.Н.Чистюхин, С.Н.Бройтман, Н.Д.Тамарченко, В.И.Тюпа, А.Н.Зорин, Д.Ивановларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган. Ўзбек, қозоқ, туркман, тожик адабиётшунослигида комедиянинг турли назарий масалаларига оид ишлар амалга оширилган².

² Тимофеев Л.Н. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1975; Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1978; Хализов В.Е. Драма как явление искусства. – М.: Искусство, 1978; Фролов В.В. Судьбы жанров драматургии. – М.: Советский писатель, 1979; Гуляев Н.А. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985; Смольников И.Ф. Комедия А.С.Грибоедова «Горе от ума». – М.: Просвещение, 1986; Аникст А.А. История учений о драме. Теория драмы от Гегеля до Маркса. – М.: Наука, 1983; Ўша муаллиф. История учений о драме. Теория драмы на Западе во второй половине XIX века. – М.: Наука, 1988; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект пресс, 1992; Катаев В.Б. Чехов и Германия: постановка проблемы. 2-е изд. – Тубинген, 1994; Хализов В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999; Чистюхин И.Н. О драме и драматургии. – М.: eBook, 2002; Бройтман С.Н. Теория литературы. Историческая поэтика. Под ред. Тамарченко Н.Д. – М.: Академия, 2004; Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Иванов Д. Творчество А.А.Шаховского - комедиографа: теория и практика национального театра. – Tartu: UlikooliKirjastus, 2009; Виноградская Н.Л. Структура диалога в драматургии Н.В.Гоголя (Комедия «Женитьба»): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 30 с.; Зорин А.Н. Поэтика ремарки в русской драматургии XVIII-XIX веков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2010. – 38 с.; Катышева Д.Н. Вопросы теории драмы: действие, композиция, жанр. – Санкт-Петербург: Лань, 2016. – С. 256; Рахмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. – Т.: Ўзадабийнашр, 1959; Абдусаматов Ҳ. Ўзбек совет сатираси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968; Ўша муаллиф. Драма назарияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги матбаа ва санъат нашриёти, 2000; Имамов Б. Ҳаёт ва драматик конфликт. – Т.: Фан, 1968; Ўша муаллиф. Драматик маҳорат сирлари. – Т.: Фан, 1991; Қодирова С. Ўзбек совет комедияси ва унинг сахнавий талқини.–Т.: Ўзбекистон, 1983; Ўша муаллиф: Комедия санъат тарихи.–Т.:Санъат, 2008; Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т.: 1994. – 37 б.; Алиев С. Ўзбек комедиялари. – Т.: Ўзбекистон, 1997; Абдурахимов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва таракқиётида фольклорнинг ўрни: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: 1995; Тожибоева О.Қ. Марказий Осиё театрлари тарихида халқ эпосининг ўрни: Санъат. фан. докт. ... дис. автореф. – Т., 2011. – 28 б.; Турсунова Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклор стилизацияси: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2020. – 62 б.; Ордалиев С. Қазак драматургиясының очерки. – Алматы: Мектеп, 1964; Нурғалиев Р. Қазак драматургиясының поэтикаси. – Алматы: Мектеп, 1979; Қабдолов З. Сөз өнери. Алматы: Мектеп, 1982; Халмухаммедов Ш. Жанровое своеобразие туркменского народного юмора и сатиры (на материалах анекдоты). – Ашхабад: Ўлым, 1977; Шаропов М. Комедия на таджикской сцене. – Душанбе: Дониш, 1978.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида комедия жанри махсус тадқиқот объекти бўлмаган ва фақат умумий жиҳатларигина тадқиқ қилинган XX асрнинг 60-90 йилларда Т.Алланазаров, Қ.Айимбетов, А.Насруллаев, Б.Турсинов, К.Қурамбоевлар драматик асарларни ўрганиб, илмий тадқиқот ишларини амалга оширган бўлса, Қ.Султанов, Ж.Қайирбаев, С.Ахметов, Г.Есемуратов ва бошқалар бу соҳада бир қанча илмий ва портрет мақолаларини эълон қилдилар.³ Бу тадқиқотлар қорақалпоқ адабиётшунослигида драматургия соҳасининг пайдо бўлиш ва ривожланиш йўлларини ўрганишда асосий манбалардир. Адабиёт ва театр санъати тадқиқотчиси Т.Алланазаровнинг «Қарақалпақский советский театр. Истоки и формирования»⁴ монографиясида қорақалпоқ драматургиясининг шаклланиш манбалари ва дастлабки драматургларнинг ижодий йўлига доир илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва илмий далилланган.

Б.Турсиновнинг «Драматургия ва театримизнинг масалалари» номли илмий ишида қорақалпоқ театри ва драматургиясининг тараққиёт босқичлари кенг таҳлил қилинади⁵. Бу муаллифнинг турли йилларда ёзилган илмий мақолалари асосан, қорақалпоқ драматургияси, театри, радиотеатри, ёшлар театрининг ижодий ўсиш жараёни бўйича ўз илмий мулоҳазаларини билдирган. Баъзи комедияларнинг ғоявий саёзлиги, образ характерининг тўлақонли яратилмаганлиги, асар композициясидаги камчиликларни англаган. Муаллифнинг «Қорақалпоқ драматургияси ва театрининг тараққий этишида таржима пьесаларнинг таъсири» номли илмий иши санъатшунослик фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган бўлиб, унда қорақалпоқ театри ва драматургиясининг пайдо бўлишида қардош халқлар театр санъатининг аҳамияти, ўрни масалалари ўрганилган⁶.

К.Қурамбоевнинг «Ҳамза ва қорақалпоқ адабий муҳити» монографиясида қорақалпоқ драматургиясининг шаклланишида Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг хизматлари, қорақалпоқ театрида сахналаштирилган драматик асарларнинг маҳаллий драматурглар ижодига таъсири масалалари ўрганилган.

³ Султанов Қ. Драматургияда персонаж тили // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1961. - №3. – Б. 116; Айимбетов Қ. Қарақалпақ совет драматургиясының тарийхынан очерклер. – Нөкис: ҚҚМБ, 1963; Алланазаров Т. Қарақалпақский советский театр. Истоки и формирование. – Т.: Фан, 1966; Ўша муаллиф. Искусствомыздың таң жулдызы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1969; Ўша муаллиф: Театр хэм драматургия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982; Болешова Ж. Қарақалпақ драматургиясында дәстүр хэм жаңашылықтың гейпара мәселелери // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1976. - №4. – Б. 117; Насруллаев Ә. Жолмурза Аймурзаевтың драматургияси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Ўша муаллиф. Хэзирги драматургиямыз хэм дәўир талабы // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1978. - №7. – Б.116; Турсинов Б. Драматургия хэм театрымыздың мәселелери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988; Ўша муаллиф: Қарақалпақ драматургиясы хэм театрының раўажланыўына аўдарма пьесалардың тэсири. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1984; Қурамбаев К. Ҳэмза хэм қарақалпақ әдебий орталығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989.

⁴ Алланазаров Т. Қарақалпақский советский театр. Истоки и формирование. – Тошкент: Фан, 1966.

⁵ Турсинов Б. Драматургия хэм театрымыздың мәселелери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988.

⁶ Турсинов Б. Қарақалпақ драматургиясы хэм театрының раўажланыўына аўдарма пьесалардың тэсири. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1984.

Мустақиллик даврида қорақалпоқ драматургиясининг назарий хусусиятлари, дастлаб фақат илмий мақолалар доирасидагина таҳлил этилди⁷. Илмий тадқиқот иши сифатида А.Сейтбеков ва М.Палымбетовалар ўз изланишларини олиб борди⁸. Э.Сейтбековнинг диссертацияси долзарб муаммога қурилган. Диссертантнинг қорақалпоқ адабиётшунослигида шу кунгача тадқиқот объектига айланмаган ижодкор шахснинг ўз асарларини синтезлаш жараёнини ўрганиши қувонарли. Ушбу тадқиқотда К.Рахмановнинг эпик ва драматик асарларининг синтези ўрганилган. Прозанинг драмага ўтиши, ёки аксинча, драманинг прозага ўтиши сингари бадиий адабий жараёнлар назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. М.Палымбетованинг диссертацияси мустақиллик даврида жорий қилинган драматик асарларнинг ғояси, тематикаси, образлар тизимини тадқиқ қилишга йўналтирилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Қорақалпоқ халқ оғзаки бадиий ижоди ва қорақалпоқ адабиёти тарихи» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ адабиётидаги комедиянинг эволюцияси, жанр хусусиятлари ва унинг драматургия жанрлари тизимида тутган ўрнини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

комедия жанрининг драматургиянинг бошқа жанрлари тизимида тутган ўрнини белгилаш ва қорақалпоқ адабиётида комедия жанрининг динамик хусусиятларини аниқлаш;

жанр тараққиётида халқ дастурлари ва адабий таъсирларнинг аҳамиятини ойдинлаштириш;

қорақалпоқ комедияларини тизимли классификациялаш, драматургларнинг поэтик маҳоратини ёритиш;

комедия жанри композицияда ифода ва баён услубини яратиш хусусиятларини кўрсатиш;

драматургиянинг бошқа турларига нисбатан комедик асарлардаги конфликтнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

услуб ва қаҳрамон образи талқинида ремарканинг бадиий-эстетик вазифаларини очиқ бериш.

⁷ Жәримбетов А.О., Әбдирахмановтың «Өжет» комедиясында характер жаратыў шеберлиги // Әмиўдәрья. – Нөкис, 2006. - №5-6. – Б. 150; Ўша муаллиф. «Ақмақлық дүньясында» комедиясында конфликт хәм оның жасалыў өзгешелиги // Әмиўдәрья. – Нөкис, 2008. - №1. – Б.123; Утемуратов Ф. «Ерназар Алакөз» трагедиясындағы психологиялық коллизиялар хәм интрига // Әмиўдәрья. – Нөкис, 2009. - №1. – Б. 127; Ўша муаллиф: Дәўир хәм драматург // Әмиўдәрья. – Нөкис, 2013. - №3. – Б.116; Жәримбетов Қ. Дәстан, тарийх хәм драма // Қарақалпақ әдебияты. – Нөкис, 2017. - №7. – Б. 4; Мәмбетова М. Қарақалпақ әдебияттаныў мәселелери. – Нөкис: Билим, 2019. Ўша муаллиф: Жанр драмы в каракалпакской литературе // Philology. – Владивосток, 2020. - № 1 (25). – С. 25-27.

⁸ Сейтбеков Э. К.Рахманов дәретиўшилигинде эпикалық хәм драмалық шығармалардың синтези: Филол. илим. филос. д-ри (PhD) ... дис. – Нөкис, 2020. – 153 б.; Палымбетова М. Ғәрезсизлик дәўири каракалпақ драматургиясы: Филол. илим. филос. д-ри (PhD) ... дис. – Нукус, 2021. – 159 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида С.Хожаниязов, Д.Айтмуратов, К.Рахманов, М.Низанов, О.Абдирахманов, Қ.Матмуратов, С.Жумағулов, Б.Қазақбаевларнинг чоп эттирган, театрда сахналаштирилган комедиялари, муаллиф қўлёзмалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ комедиясининг эволюцияси ва жанр хусусиятлари, драматургнинг комедия композицияси, структурасини қуришдаги поэтик янгиланишни ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион ишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, бадиий-эстетик таҳлил, структур таҳлил усуллари фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ комедиясининг шаклланиши ва тараққиётида қадимий қўлёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди намуналари ва адабий таъсир сингари омиллар сабаб бўлганлиги аниқланган;

замонавий қорақалпоқ комедияси поэтикасида шахснинг ҳаётий фалсафалари ва умуминсоний ғоялар талқини етакчилик қилаётгани ва мазкур жанр таркибида интермедия, фарс, юмористик, сатирик, трагикомедик турларининг мавжудлиги исботланган;

комедик асарларда сюжет ва композиция тузишда индивидуаллик ҳамда ноанъанавий тасвирдаги ўзига хослик афиша, парда, шароит ва ҳаракат экспозицияси, сўзлар тизими, сахна орти товушлари, драматик муқаддима ҳамда ечимнинг бадиий хусусиятлари очиқ берилган;

қорақалпоқ комедияларидаги конфликтнинг бадиий функциясида шахс ва ижтимоий ҳаётнинг зиддиятлари ботиний фожиа, мағлубиятда шахснинг маънавий камолоти ҳамда зафарияти тажассум топганлиги очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётида комедия жанрининг эволюцияси миллий бадиий манбалар ва адабий таъсир аспекти нуқтаи назаридан ўрганилган;

қорақалпоқ комедиясининг генетик асослари ва типологияси аниқланган;

миллий комедиянинг ривожланиш босқичлари даврлаштирилган ҳамда жанрий таснифи ишлаб чиқилган;

комедиянинг жанр хусусиятлари ҳамда ички жанр имкониятларининг назарий таҳлили амалга оширилган;

комедия жанри композицияси сюжет қисмларининг қўлланилиш спецификасига эга эканлиги ва адабий-эстетик аҳамияти талқин қилинган;

конфликтнинг ички конфликт, персонажлар ўртасидаги конфликт, персонаж ва ижтимоий муҳит орасидаги конфликт каби турларининг бадиий-эстетик вазифалари аниқланган;

ремарканинг комедик асарларда сюжетнинг ривожланиши ва образ яратилишида етакчи бадиий бирлик эканлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ёндашув, қўлланилган усул ва назарий маълумотларнинг илмий, бадиий

манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, бадиий-эстетик таҳлил, структур таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий мушоҳада ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ адабиётида драматургия жанрлари бўйича илмий-назарий фикрларни такомиллаштиришда, адабий жараёнда комедия жанрларининг ривожланиш тенденцияларини аниқлашда, ҳозирги замон қорақалпоқ комедиясининг бадиий-эстетик мезонлари ва поэтик қонуниятларини назарий аспектда ёритиб беришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қорақалпоқ комедиясининг тарихий ривожланиш босқичлари ва назарий асослари ҳамда миллий комедиянинг жанрий хусусиятлари борасидаги хулосалар ва илмий қарашларининг олий ўқув юртларида «Қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиёт назарияси», «Ҳозирги қорақалпоқ адабиёти ва адабий жараён» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма ва методик қўлланмалар яратишда, маъруза матнларини янгилашда, талабаларнинг битирув малакавий иши ва магистрлик диссертация ишларини бажаришда зарур илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ комедиясининг эволюцияси ва жанр хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

қорақалпоқ комедиясининг тараққиёт босқичларининг даврлаштирилиши ва жанрий таснифи бўйича илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш» (2012-2016 йй.) фундаментал тадқиқот ишларида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 30 сентябрдаги 266-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ комедиясининг қорақалпоқ адабиётшунослигида ўрганилиш ҳолати бўйича маълумотлар такомиллаштирилган, қорақалпоқ адабиётшунослигининг комедия жанри бадиий-эстетик хусусиятларига боғлиқ илмий-назарий маълумотлар билан бойишига асос бўлган;

конфликт ва ремарканинг комедия жанр табиатидаги бадиий-эстетик вазибалари ҳақидаги илмий хулосалардан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган ёш ижодкорлар семинарларига татбиқ этилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 22 октябрдаги 128-сон маълумотномаси). Натижада, комедия жанрининг поэтик табиати ёш ижодкорларнинг комедия ёзиш иқтидорини шакллантиришига асос бўлган;

комедия жанрини мавзувий гуруҳларга ажратиш ҳамда комедик асарларда сюжет ва композициянинг бадиий бирликлари ҳақидаги илмий хулосалардан «Қорақалпоғистон» радиоканалининг «Хайрли тонг», «Таълимда реформа» эшиттиришларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 июндаги 01-02/296-сон маълумотномаси). Натижада, ёш авлоднинг бадиий қизиқувчанлигини янада кучайтириш ва китобхонлик маданиятини ўстиришда, уларни ватанпарварлик, миллий ғурур руҳида тарбиялашда, миллий ўзликни англашида амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 та мақола республика, 1 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, масаланинг ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети асослаб берилган, республика илм-фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги ёритилган, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончилиги, амалиётда фойдаланилиши, жорий қилиниши, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб **«Комедия жанрининг шаклланиши ва ривожланиши»** деб номланиб, икки фаслдан иборат. Биринчи фасл **«Қорақалпоқ комедиясининг асосий манбалари ва адабий таъсирлар»** деб номланади. Бу фаслда қорақалпоқ адабиётида комедиянинг шаклланиш ва ривожланиш манбалари кўрсатиб берилган. Жумладан, комедиянинг шаклланишидаги адабий таъсирлар масаласи тадқиқ қилинган.

Ҳар қандай халқда адабий жанрларнинг, шу қаторда комедиянинг пайдо бўлишида руҳий маданият асосий манба бўлади. Чунки «одамзот пайдо бўлганидан буён беш хил бадиий санъат у билан чамбарчас боғлиқдир. 1) Меъморчилик – уй қуриш, уйни безаш; 2) Расм – деворларга ва эшикларга нақш ўйиш; 3) Соз – товуш гўзаллигидан фойдаланиш, мусика овозидан роҳатланиш, унинг товушидан руҳланиш; 4) Театр – турмушдаги одамлар ҳаракатини саҳнада ижро этиш, таъсирли сўз ва ҳаракатларни яратиш ёрдамида одамларни кулдириш ва йиғлатиш ёки

рухлантириш, актёрлар ёрдамида одамларнинг чексиз қувонч ва тушкун ҳолатларини айнан шу ҳолатда тасаввур этиш; 5) Адабиёт – одамларнинг худди шундай ҳолатларини бадиий сўз кучи ёрдамида қоғозга ёзиб ёки оғзаки баён қилиш орқали амалга ошириш, тил билан таърифлаб образ яратиш, сўз ёрдамида расм солиш»⁹. Шуларнинг ичида театр ва адабиётнинг муштарак масаласи бўлган комедиянинг Европа адабиётида пайдо бўлиш манбалари б.э.а. VI-V асрларда Грециядаги Дионис шарафига ижро этилган завқли рақс ашулалари билан боғлиқ. Ўзбек олими М.Рахманов Ўрта Осиёда драматургиянинг пайдо бўлиш манбаларини ўрганиш борасида драма жанрининг дастлабки кўринишлари сифатида «Авесто»даги «Виспарад» ва «Ясна» қисмларига тегишли сиғиниш ашулаларини кўрсатиб ўтади. «Қадимий одамларнинг табиат кучлари билан кураши, унинг бу табиат ҳодисалари ва ҳайвонларга сиғиниши, фантастик ва мифологик воқеаларни ҳикоя қилиш – буларнинг барчаси инсоннинг фикр ва тажрибалари, эҳтирослари ва ҳис-туйғулари билан боғлиқ. Демак, театр санъатининг асосий белгиларидан бирини белгилаб берувчи пантомимик рақслар ва культ маросимларида драматик элементларнинг бор бўлганлигини кўрсатади»¹⁰. Бу ҳаракатлар қадимий эсдаликларда сақланиб қолган. Ушбу қадимий эсдаликлар орасида б.э.а. I асрга ва эрамизнинг III асрига тегишли Тупроққалъадан топилган эсдаликлар ҳам келтирилган. XI асрга тегишли М.Қашғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида халқнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ вужудга келган анъана ва урф-одатларнинг келтирилишида ҳам драматик унсурларнинг учкунлари кўринади. XIX-XX асрда ёзилган лирик асарларда ифодаланган қорақалпоқ халқининг анъаналари бугунги кунда фольклор ва мумтоз асарларига айланди. Ушбу ашулаларда кўчманчи қорақалпоқларнинг тўй ўтказиш маросими драматургиянинг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутди. Чунки бу маросимдаги келин салом, қиз-йигит айтишуви, бахши-жиров асарлари драматик унсурларни ўзида акс эттирувчи жанрлар эканлиги шубҳасиз.

Қорақалпоқ драматургиясининг пайдо бўлишига асос бўлган омиллардан бири – халқ оғзаки ижоди. Фольклор намуналари қорақалпоқ халқининг анъана ва урф-одатлари, миллий психологиясини ўзида акс эттирадиган драматургик манбалар ҳисобланади. Шу боис диссертацияда қорақалпоқ комедиясининг шаклланишидаги фольклор манбаларини халқ анъаналари ва фольклор намуналари деб иккига бўлиб ўргандик.

Қорақалпоқ драматургиясида фольклор жанрлари комедиянинг жанрий ва бадиий жиҳатдан шаклланишида асосий манбалардан бири бўлди. Илк драматург А.Утепов драматургиядаги ижодий йўлини инсценировкалар ёзишдан бошлади. Унинг 1925-30 йилларда ёзилган «Ҳаў, ҳаў, бул ким?», «Жездежан», «Мен ҳайранман, ўай-ўай!», «Айтайын ба, қайтайын ба?» ва бошқа бир кўринишли юмор ва сатирик

⁹Мәмбетов К. Қарақалпақ халқының этнографиялық тарихы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. – Б. 134.

¹⁰Рахманов М. Узбекский театр. С древнейших времен до 1917 года. – Тошкент: Литература и искусство, 1981. – 30 с.

инсценировкалари мавжуд. Уларнинг аксарияти айтишув тарзида ёзилган бўлиб, давр талаби асосида дангасалар, ғийбатчилар, лавозимидан фойдаланиб бузғунчилик қилувчиларни фош қилишга бағишланган. Сўнг драматургнинг «Бояўшы ўакил», «Буфет» комедиялари, «Гўман», «Гулзийба» драмалари юзага келди. Бу бадий асарларда фольклор анъаналари ва жанрларидан кенг фойдаланилган.

Шу жумладан, эртак, халқ қўшиқлари ва бошқа фольклор жанрлари қорақалпоқ комедияларининг бадий жиҳатдан такомиллашувига катта таъсир кўрсатди. Ушбу адабий жараёни ҳисобга олиб, комедия жанрининг шаклланишига асос бўлган фольклор жанрлари таъсирини кўйидагича ажратдик: 1) халқ қўшиқларининг қўлланилиши; 2) нақл-мақол ва афоризмларнинг қўлланилиши; 3) кулдирги сўзларнинг қўлланилиши; 4) эртак сюжетларининг таъсири; 5) мифологик образларнинг иштироки.

Қорақалпоқ драматургияси тарихида ҳам бадий таъсирлар натижасида ёзилган бир қатор комедияларни кўришимиз мумкин. К.С.Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат театри сахнасида 1933 йилда Б.Майлиннинг «Талтаңбайдың тартиби», 1934 йил У.Гаджибековнинг «Аршин Мал-алан», 1939 йилда Ж.Б.Мольернинг «Скапеннинг найранглари», 1956 йил «Тартюф», 1952 йил Н.В.Гогольнинг «Ревизор» ва шу каби комедияларнинг сахнага қўйилиши қорақалпоқ драматургларининг ижодий лабораториясига ижобий таъсирини кўрсатди. Айниқса, «Скапеннинг хийлеси» комедияси Қ.Матмуратовнинг «Ўмирбек ҳам Тазша», Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедияси С.Хожаниязовнинг «Сўймегенге сўйкенбе» комедияларининг яратилишида катта рол ўйнади. Феодал муносабатларни акс эттирувчи бу комедияларда умумийлик бор: уларда бой – анқов, унинг хизматкори ўз хўжайинига нисбатан анча ақлли, зукко бўлади. Қ.Матмуратовнинг «Ўмирбек ҳам Тазша» сатирик комедиясида феодал тузумдаги қорақалпоқлар ҳаёти тасвирланган. Бош қаҳрамон Умрбекнинг ҳамқишлоғи Товасар бойни зукколик билан енгизи кулгули ҳолатларда ёритилган. «Скапеннинг хийласи» комедиясида Скапен Леандр ва Зербинеттанинг бирга бўлиши учун бойни алдаган бўлса, «Ўмирбек ҳам Тазша» асарида камбағал халқнинг манфаати ҳимоя қилинади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«Қорақалпоқ комедиясининг назарий асослари, жанрнинг ривожланиш босқичлари»** деб номланади. Қорақалпоқ адабиётшунослигида комедия жанри олимлар томонидан кам тадқиқ қилинди¹¹. Уларнинг баъзиларида комедиянинг назарий

¹¹ Айымбетов Қ. Қарақалпақ совет драматургиясының тарийхынан очерклер. – Нөкис: ҚҚМБ, 1963; Алланазаров Т. Каракалпакский советский театр. Истоки и формирование. – Т.: Фан, 1966; Ўша муаллиф: Искусствомыздың таң жұлдызы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1969; Ўша муаллиф: Театр ҳам драматургия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982; Насруллаев Ә. Жолмурза Аймурзаевтың драматургияси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Турсынов Б. Драматургия ҳам театрымыздың мәселелери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988; Ўша муаллиф: Қарақалпақ драматургиясы ҳам театрының раўажланыўына аўдарма пьесалардың тәсири. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1984; Қурамбаев К. Ҳәмза ҳам карақалпақ әдебий орталығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989; Сейтбеков Ә. К.Рахманов дәретиўшилигинде эпикалық ҳам драмалық шығармалардың синтези: Филол. илим. филос. д-ри ... (PhD). – Нөкис, 2020.

масалаларига санъатшунослик фани нуқтаи назаридан эътибор қаратилган бўлса, баъзиларида фақат ғоявий-тематик ва бадиий образ масалалари ўрганилган. Бу тадқиқотлар комедиянинг жанр хусусиятларини тўлақонли ёритиб бера олмайди, шунга қарамасдан, қорақалпоқ адабиётшунослигида драматургия жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиш йўллари ўрганишда асосий манба сифатида хизмат қилади.

Диссертацияда қорақалпоқ комедиясининг тарихи алоҳида тадқиқ қилинмаганлигини ҳисобга олиб, комедиянинг жанр сифатида шаклланиш ва ривожланиш босқичларини қуйидаги даврларга бўлиб ўрганилди:

1. 1920-50 йиллар қорақалпоқ комедияси
2. 1960-80 йиллар қорақалпоқ комедияси
3. 1990-2010 йиллар қорақалпоқ комедияси

Бу босқичларда яратилган қорақалпоқ комедияларининг ривожланиши аниқланди ва комик асарларнинг даврга хос бадиий-назарий хусусиятлари умумлаштирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Комедияда жанрий ва бадиий изланишлар**» деб номланиб, бобнинг «**Қорақалпоқ комедияларининг жанр хусусиятлари**» фаслида қорақалпоқ комедияларининг жанрий таснифи келтирилган. Қорақалпоқ комедияларининг жанрий хусусиятларини ўрганиш борасида улар қуйидаги жанрларга ажратилди:

- 1) Интермедия; 2) Фарс; 3) Юмористик комедия; 4) Сатирик комедия; 5) Трагикомедия.

Интермедия жанри композицион тузилиши жиҳатидан ҳам, сюжет таркиби жиҳатидан ҳам кичик ҳажми тақозо этади. Келиб чиқиш тарихи эстрада, мусиқа, хор, балет билан алоқадор бўлсада, бугунги кунда интермедияни кичик ҳажмли драматик жанр деб биламиз. Бу жанр кичик ҳажмли бўлганлиги боис фикрнинг қисқа, юмористик пафосда ифодаланишини талаб қилади. Унинг хулосаси томошабинда енгил кулги уйғотади. Кўпинча, радио ва телевидение учун қулай ҳисобланади. Диссертацияда К.Раҳманов, С.Жумағулов, М.Низанов, Б.Қазақбаев, З.Абдиқадиров, С.Жумаев ва бошқаларнинг интермедиялари таҳлил қилинди.

Фарс жанри. Драмада қисқа воқеа, кучли юмор ва халқ оғзаки сўзлашув тилига яқинлик каби белгилар фарс комедияга хос. Фарс(лат. – бошлайман) – енгил характерга эга комедия, қўпол мазмунга эга бўлган комедия ёки водевиль. Масхарабозлик, қўпол ҳазил. Сиртқи комик усулларнинг устунлик қилиши. Стил жиҳатидан фарс италянча комедия дель-арте жанрига яқин. Қўпол ва иккиюзламачи бирор ҳодиса¹². Ўзбек адабиётида фарс жанрининг асосий манбалари сифатида олим С.Алиев «ўзбек тилининг кулги ранглари – ҳазил, қочирим, сўз ўйини ва кулдирги сўзларни» кўрсатиб ўтади ва бу жанр учун кулги-фарс атамасини олиш кераклигини таъкидлайди¹³. Фарс жанри ҳақида айтганда бу жанрга

¹²Пави П. Словарь театра.– М.: Прогресс, 1991. – 405 с.

¹³ Алиев С. Ўзбек комедиялари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 14.

фақатгина жамиятда учрайдиган иллатларни ошкораловчи комедияларни эмас, балки томошабиннинг кайфиятини кўтариш мақсадида яратиладиган шоу, томошаларда ҳам бу жанрнинг унсурлари бор эканлигини айтишимиз керак. Чунки уларда «масхарабозлардек чиқиш»¹⁴, турмушдан олинган кулгули ҳолатларни ўз ўрнига қўйиб, тегишли манзилга айнан етиб борадигандек қилиб «қориштириб ижро этиш» (приправленная пряностями для фаршировки мяса)¹⁵, «пародияли»¹⁶ чиқишлардан фойдаланиш, қатнашувчилар «сценарияда кўзда тутилган воқеа йўналиши асосида ўзлари сўз топиши, ўзаро суҳбатлашуви»¹⁷ ва энг асосийси «ҳазил, сўз ўйини ва кулдирги сўзлар»нинг¹⁸ қўлланилиши фикримизнинг далили бўла олади.

Қорақалпоқ адабиётида томошабинга кулги, завқ, кўтаринки кайфият бериш мақсадида ёзилган комедиялар ҳам мавжуд. Фарс жанрида ёзилган комедия сифатида М.Низановнинг «Жезде» асарини кўрсатиш мумкин. Комедия энгил кулгу, ҳазил-мутойиба асосига қурилган. Муаллиф қорақалпоқ адабиётида Европанинг фарс жанрини қўллаб, жанр талабларини халқ менталитетига хос ҳазил-мутойиба билан бойитган.

Юмористик комедия. Юмористик комедиянинг жанр хусусияти ижтимоий муҳитда юз бераётган воқеа-ҳодисалардаги айрим камчилик ёки нуқсонларни энгил кулгуга олиб тасвирлаши билан характерланади. Бу жанрдаги асарларга С.Жумағуловнинг «Кўйеўинди берип тур», «Өтирик жинли», О.Абдирахмановнинг «Өжет», М.Нызановнинг «Кўлме маған» комедияларини киритиш мумкин.

С.Жумағуловнинг «Өтирик жинли» («Ёлғон жинни») комедияси ғоявий-бадий жиҳатдан пишиқ бўлганлиги учун пьеса томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Комедияда давр учун долзарб муаммолардан бири – давлат мулкани талон-тарож қилувчи тиббиёт ходимлари юмористик тасвирлаш орқали ошкораланади. Туман руҳий хасталиклар шифохонасининг бош шифокори Сарбийке ногиронлик нафақасини олиш учун пора берган соғлом одамларни ҳам «руҳий касал» деб ҳужжатлаштиради. Асарда юморга бой сахналар Қайип чол образи орқали ёритилади. Бу сахналар, айниқса, Қайип ва Сарбийке бошчилигидаги ҳамширалар гуруҳи орасидаги диалогларда, Қайип чолнинг кулгили ҳолатдаги қилиқларида (чаккасига бармоғини теккизиб «жинни» бўла олмайман деб бонг уриши, гавдасига уриб соғлом одамман деб қичқириши, кўрпага ўраниб ётиб олиши, шизофрения касаллигининг белгиларини кўрсатиши) тасвирланади. Муаллиф Қайип чолнинг оиласида бўлиб ўтган нохуш воқеаларни тасвирлаш орқали (ўғли Азизнинг «жинни» отасининг сабабидан ишсиз қолиши, қизи Гулжанга келган совчиларнинг

¹⁴ Кутьмин С.П. Краткий словарь театральных терминов. – Тюмен: Изд-во Тюменского государственного института искусств и культуры, 2003. – 46 с.

¹⁵ Пави П. Словарь театра. – М.: Прогресс, 1991. – С. 405.

¹⁶ Фролов В.В. Судьбы жанров драматургии. – М.: Советский писатель, 1979. – С. 252.

¹⁷ Михайлов А.Д. Фарс, Краткая литературная энциклопедия. Т. 7. – Советская Украина: Флиаки. 1972. – С. 900.

¹⁸ Алиев С. Ўзбек комедиялари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 14.

«жиннилар билан куда бўлмаймиз» деб кетиб қолиши) томошабинларни сергаклантиради.

Сатирик комедия. Комедиянинг пайдо бўлиши сатира билан узвий боғлиқ. Ижтимоий муҳитда юзага келган синфий бўлинишлар даврида юқори ва қуйи синф вакиллари орасидаги норозиликларга сабаб бўлган ҳаракатлар сатирик муҳитни келтириб чиқарди ва бугунги кунгача сатира – бадий адабиётнинг гултожи бўлиб яшамоқда. Аслида «ҳақиқий сатирик комедия – бу салбий қахрамонлардан иборат бўлган пьеса. ... Сатирада фалсафий даражага, айрим ҳолларда умуминсоний ўй-фикрларга кўтарилувчи умумий кескинлашувчи комедик функция кўрсатилади»¹⁹. Д.Айтмуратовнинг «Ахмоқлик дунёсида» асарини соф сатирик комедия деб айтишимиз мумкин. Бадий асар бошдан оёқ ирония, сарказм, гротескга бой. Комедия ахмоқликнинг ривожланиб, кульминацион нуқтага кўтарилган ижтимоий муҳитни сатирик усулда ифодалайди. Бунда саводсизлик ҳам, манманлик ҳам, хушомадгўйлик ҳам, енгилтаклик ҳам, порахўрлик ҳам, хуллас, инсониятнинг ахлоқий қоидаларга тўғри келмайдиган иллатлар гротеск усулида ошкор қилинади. Бу ҳолатда муаллиф фикрлаш олами бир хил бўлган аксар одамларнинг онги ахмоқликлар чегараси билан белгиланганлигини, уларнинг барчаси бир хил «руҳий касаллик» – хушомадгўйлик билан касалланганлигини бўрттирма-гротеск усулида тасвирлаган. Монолог, диалог ва ремаркалардаги бўрттирмалар, кучли яширин маъноли (таг маъноли) ўхшатишлар сатирик пафоснинг талабларига тўлиқ бўйсундирилган. Айниқса воқеа ечимини бериш учун танланган картина томошабинларни кулдириб, ғазаблантириб, ҳаттоки ҳаяжонлантириб юборади. Ичкаридан чириб тамом бўлган жамият ва унинг аъзолари ҳам ишончли, ҳам кулгили, ҳам ачинарли ҳолатда акс эттирилади.

Трагикомедия. Трагикомедия жанрида ёзилган бадий асарда трагедия ва комедия жанрларининг элементлари аралаштириб қўлланилади. Бундай комедияларда трагизм ва комизм пафослари қоришиб кетади. Қорақалпоқ адабиётида трагикомедия жанрига ботиниб қўл урган драматург К.Рахманов бўлди. Унинг «О дуньяға мирёт» («У дунёга таклиф»), «Тасполат о дуньяда» («Тошпўлат у дунёда») трагикомедиялари бугунги кунда ҳам театрларда сахналаштирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Асарда у дунёдаги воқеалар кўчма мазмунга эга. Персонажларнинг ўз манфаати йўлида қилган ҳаракатлари, хушомадгўйлик, тухматчилик каби иллатларни сатирик усулда ифодалайди. Фельетонларнинг танқид қилинишини айтиш орқали жамиятимизда учраши мумкин бўлган адабиётдаги босим ўтказиш ҳолатларини ҳам ништарлаб ўтади.

«Тасполат о дуньяда» трагикомедияси билан М.Нызановнинг «Еки дуньянинг эъереси» («Икки дунё овораси») комедиясида ғоявий ва сюжет ўхшашликлари бор. Икки комедияда ҳам юқорида таъкидланган жамият

¹⁹ Фролов В. Судьбы жанров драматургии. – М.: Советский писатель, 1979. – С. 255.

учун ёт бўлган иллатлар ошкор этилади. Тошпўлат ва Ортиқнинг диалогларида ҳам ўхшашликлар мавжуд.

